

РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ “ЮРАГИ” БЎЛГАН ЯГОНА МАРКАЗ, ТАРИХ ВА БУГУН
УЙҒУНЛАШГАН МИЛЛИЙ БОҒ, ОСМОНЎПАР IT-ПАРК

Мамлакатимиз мустақиллиги байрами яхши янгиликлар билан, кўтаринки кайфиятда кутиб олинмоқда. Жойларда янги иншоотлар, марказлар ишга туширилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев 27 август куни Тошкент вилояти ва пойтахтимиздаги шундай мажмуалар билан танишди.

Улардан бири — Зангиота туманида қурилган “Электрон ҳукумат” тизими маълумотларини сақлаш ва қайта ишлаш ягона маркази.

Мамлакатимизда барча соҳаларни рақамлаштириш, хизматларни одамларга қулайлаштириш чоралари қурилмоқда. Шунингдек, юртимиз масофавий хизматлар экспорти бўйича ўзига хос минтақавий хабага айланиб бормоқда. Бу халқаро талабларга мос датамарказ ташкил қилишни заруратга айлантирди.

Шу боис, “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида Ўзбекистонда илк бор катта ҳажмдаги маълумотларни сақлаш ва

қайта ишлаш маркази барпо этилди. Давлатимиз раҳбари бу ерда яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Марказда Хитойнинг Huawei компанияси билан ҳамкорликда 20 пета байт хотирага эга тизим ташкил этилган. 580 та сервер, умумий электр қуввати 5 мегаваттлик дизель генераторлар тизимнинг узлуксиз ишлашини таъминлайди. Бинони совишти, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тармоқлари ҳам барча талабларга жавоб беради. Умуман, Маълумотлар маркази халқаро “Uptime” институти томонидан берилмадиган TIER III сертификатига эга.

— Бу марказ рақамлаштиришнинг “юраги”, “Электрон ҳукумат”нинг замини, — деди Президент.

Мазкур марказ ишга тушиши натижасида давлат идораларининг маълумотларини сақлаш ва техник қўллаб-қувватлашга сарфлайдиган миллиардлаб харажатлари тежаллади, аҳоли ва тадбиркорларга кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланади. Энг асосийси, киберҳужумлардан ишончли ҳимоя таъминланади.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари пойтахтимиздаги Ўзбекистон миллий боғида амалга оширилган ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Бу боғни халқимиз яхши билади. У 1932 йилда ҳашар йўли билан қурилган, кўп йиллар аҳолининг энг сеvimли маскани бўлган. Кейинги вақтларда боғ ҳудудида қурилишлар бўлди — Адиллар хиббони, Ёзувчилар уюшмаси биноси, Тошкент шаҳар тарихи музейи, “Magic city” кўнгилочар маркази барпо этилди.

Президентимиз бу боғнинг тарихий қиёфасини сақлаб қолиш, бу ерда миллий аъёнларимизга хос муҳит яратиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Шу асосида 14 гектардан зиёд ҳудудда катта ишлар бажарилди. Маъмурий бино, ресторанлар қурилиб, кўприклар ва йўлақлар янгиланди. Жами майдони 40 минг квадрат метр бўлган кўл тикланди. Сув сизиб чиқмаслиги ва лойқаланмаслиги учун кўл тубига махсус қопламалар ётқизилди. Қирғоқлар тартибга келтирилиб, чўмилиш ҳавзаси

ташкил этилди. Мингдан зиёд дарахт, 200 мингга яқин бута кўчатлари экилди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда нурунийлар, адабиёт ва санъат намоёндалари билан ҳам суҳбатлашди. Уларни яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами билан табриклаб, ушбу боғнинг аҳамияти ҳақида гапирди.

— Бугун шаҳарларимизда бўлаётган ўзгаришлар яхши. Лекин қадриятларимизни эъзозлаш, хотира ҳам керак. Илгари бу боғ Тошкентнинг энг машҳур жойи бўлган, ўзига хос рамаларидан бирига айланган. Одамлар бу ерга келиб сайр қилган, ижодкорлар табиатдан завқ, илҳом олган. Талабалар, ёшларнинг энг завқли дамлари шу ерда ўтарди. Бу тарихни ҳозирги кун билан ҳамоҳанг қилишимиз керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Миллий боғда мазмунли дам олиш учун барча шароит яратилган. Оила ёки дўстлар даврасида сайр қилиш, овқатланиш, шахмат-шашка ва теннис ўйнаш, велосипед ҳайдаш мумкин.

— Ҳаммамиз ўша машҳур киноларимиздаги “Гўзал Тошкент” каби куй-қўшиқларни, ҳофизларимиз ижро этган ашулаларни яхши биламиз, улар қалбимиздан чуқур жой олган, — деди Шавкат Мирзиёев. — Шунинг учун бу боғда ана шундай тароналар доимо янграб туришига эътибор бердик. Уй-лайманки, бу ерда аввалгидек мушоиралар, концертлар ўтказиш, яна кинолар олиш мақсада мувофиқ. Булар боғимизни янада файзли ва тароватли қилади.

Нурунийлар боғ қайта очилиб, сўлим масканга айлантирилгани учун хурсандлигини билдирди.

Президент Шавкат Мирзиёев Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркида қурилган янги биноларни ҳам бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари мазкур мажмуа қурилишига 2019 йил 20 ноябрда таъмин тоши қўйган, ўтган йили декабрда бунёдкорлик ишларини кўздан кечирган эди. Бугунги кунда 20, 22, 25 қаватли бинолар ва конференция зали қуриб битказилди.

Аҳамиятлиси, мазкур иншоотлар муаллифлик технологиясига асосланган янги турдаги қурилиш конструкцияси асосида қурилмоқда. Юқори сейсмик чидамликка эга. Ҳар бир бино видеокузатув тизими ҳамда юқори технологияли ёнғин хавфсизлиги ускуналари билан жиҳозланган.

Мамлакатимизда ахборот технологиялари ривожига алоҳида аҳамият

қаратилмоқда. Сўнгги беш йилда соҳага 2 миллиард доллар, шу жумладан, 700 миллион доллар туғридан-туғри инвестициялар йўналтирилди. Барча ҳудудларда IT-парклар очилиб, улар учун алоҳида солиқ режими жорий этилди. Бу орқали 14 минг нафар ёшлар юқори даромадли иш билан таъминланди. Шунингдек, соҳада ўзини ўзи банд қилган мутахассислар сони 43 минг нафарга етди.

Жорий йилнинг ўзида мамлакатимизда 134 та янги, жумладан, 50 та хорижий IT компания ташкил этилди, экспортёр корхоналар сони эса 2 баробарга ошди.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки бу борада етакчи. У биринчи бўлиб икки қаватли бинода очилган эди. Бугунги кунда осмонўпар, муҳташам мажмуага айланди.

Ушбу IT-паркнинг резидентлари, хизматлар тури ҳам кўпайиб бормоқда. Жорий йилнинг 6 ойида улар томонидан 53 миллион долларлик хизматлар экспорт қилинган. Йил якунигача бу кўрсаткич 100 миллион доллардан ошши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари “Алоқабанк” ва “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси биноларидаги шароитларни кўриб кўрди. Уларнинг пастки қаватларида мижозларга хизмат кўрсатиш офиси жойлашган. Юқори қаватлар IT корхоналар учун мўлжалланган. Ертўла қисмида 3 минг автомобилга мўлжалланган 3 қаватли турароҳ ҳам бор.

IT-паркида қурилиш икки босқичда олиб борилаётган. Бу ерда жами 17 та иморат барпо этилади. Соҳадаги ташкилотлар, университет, коворкинг маркази ўзаро узвий фаолият олиб боради. Мажмуа ҳудудида хизмат уйлари, меҳмонхона, кафе ва ресторанлар, дўконлар, спорт майдони, дам олиш жойлари ҳам бўлади.

Шу ерда “Ўзсувтаъминот” акциядорлик компаниясида жорий этилган автоматик ҳисоблаш тизими, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати-нинг электрон тизимларини янада такомиллаштириш лойиҳаси ҳақида маълумот берилди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Иқром АВВАЛБОВЕВ,
ЎЗА МУХБИРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ИФТИХОР

Адабиёт халқнинг юраги. Элнинг маънавияти кўзгуси. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, бой маънавиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни ҳозирлаймиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

БУ БОҒНИ ХАЛҚИМИЗ ЯХШИ БИЛАДИ

ЁХУД РАҚОБАТДА “ЮЗИ ЁРУҒ” МАСКАН



Биз тарихий воқелик ва воқеаларга ўрганиб қолдик, ҳатто кутадиган бўлдик. Навбатдаги хабар, очиги, яна бир бор қалбларимизни тўлқинлантириб юборди. Қайсики, 1932 йилда ҳашар йўли билан қурилган, кўп йиллар аҳолининг энг сеvimли маскани бўлган, ҳозирда Адиллар хиббони, Ёзувчилар уюшмаси биноси, Тошкент шаҳар тарихи музейи, “Magic city” кўнгилочар маркази барпо этилган ҳудудга давлатимиз раҳбари кеча яна бир бор ташриф бурди.

▶ Давоми 3-бетда

БУГУННИНГ ГАПИ

КАМ ХАРАЖАТ БИЛАН АҲОЛИ БАНДЛИГИ
ДАРАЖАСИНИ ҚАНДАЙ ОШИРИШ МУМКИН?

Дунёда одамларнинг энг кўп иши тушадиган соҳа бу — хизмат кўрсатиш ва сервис. Янги иш ўринларини яратиш, ундан келадиган даромад ҳажми бўйича ҳам унинг олдида тушадигани йўқ.

Буни тармоқнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотидеги улуши 60 фоиздан ортиқлиги, Люксембург ва АҚШда 79, Буюк Британия, Швейцария, Франция, Сингапур каби мамлакатларда ўртача 71 фоизни ташкил этиши кўрсатиб турибди. Аҳолининг бандлигига келганда ҳам шундай мисолларни келтириш мумкин. Хусусан, АҚШ, Буюк Британияда қарийб 80 фоиз, Жанубий Кореяда 70 фоиз аҳоли мазкур тармоқда ишлайди ва даромад топади.

Ўзбекистонда хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши 38, аҳоли бандлигида 50 фоизни ташкил қилиши уни тараққий эттириш заруратини яққол кўрсатиб турибди.

Шу боис, кейинги йилларда хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантиришга катта эътибор қаратиляпти. 2021 йилда 29 мингта лойиҳа амалга оширилиб, соҳа 20 фоизга ўсган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 120 мингдан ортиқ янги лойиҳа ифросининг таъминланиши ҳисобига 50 фоизга етиши режалаштирилган. Бинобарин, Тараққиёт стратегиясида ҳам ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш орқали 2026 йилга бориб унинг ҳажмини 3 баробар ошириш ҳамда ушбу йўналишда жами



3,5 миллион янги иш ўрини яратиш белгиланган. Шунингдек, шаҳар ва туманлар марказларида аҳолининг кундалик эҳтиёжи юқори бўлган маиший ҳамда коммунал хизматларни ривожлантириш бўйича пуллик сантехника, электрик, уй жиҳозларини таъмирлаш, кейтеринг каби хизматлар кўрсатиш пунктларини кўпайтириш, ҳудудларда

савдо ва йўлбўйи хизматларини кенгайтириш орқали 130 та замонавий бозор ва савдо мажмуалари, 65 та йирик ҳамда 5000 та кичик объектларни ташкил этиш, тадбиркорлик субъектларига қўшимча имтиёзлар тақдим этиш каби вазифалар ҳам қайд этилган.

▶ Давоми 2-бетда

БУГУННИНГ ГАПИ

КАМ ХАРАЖАТ БИЛАН АҲОЛИ БАНДЛИГИ ДАРАЖАСИНИ ҚАНДАЙ ОШИРИШ МУМКИН?



Бошланғич 1-бетда

ҲАР БИР ҲУДУД ХУСУСИЯТИ ХИСОБГА ОЛИНАДИ

Хизматлар соҳаси мамлакат иқтисодий ўсиши, арзон иш ўринлари яратиши, бандликни таъминлаш ва камбағалликни камайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Халқаро меҳнат ташкилоти ҳисоб-китобига кўра, мазкур тармоқнинг 1 фоизга ўсиши камбағалликни ўртача 1,5 фоизга қисқартиради.

Президентимизнинг 2022 йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, давлатимиз раҳбари раислигида 7 июнь кунги мазкур тармоқни тараққий эттириш масалалари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, алоҳида ёндашувлар асосида ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини молиявий ресурслар ва инфратузилма билан таъминлаш ҳамда уларга қулай солиқ режими жорий этиш бўйича вазифалар қўйилди. Улар ижросини таъминлашда туман ва шаҳарларнинг аҳоли сони, географик жойлашуви, иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб иш тутилади.

— Беқиёс маданияти, гўзал табиати ҳамда бетакрор тарихий обидаларига эга Ўзбекистон учун сайёҳлик соҳасини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади, — дейди Иқтисодий тадқиқотлар ва ишловлар маркази эксперти Мухсинжон Холмухамедов. — Жаҳон туризм ташкилоти бежиз Самарқанд шаҳрини 2022 йил учун Бутунжаҳон туризм пойтахти, деб эълон қилмади ва Ўзбекистон тарихда биринчи марта ушбу ташкилотнинг Бош ассамблеясига мезбонлик қилади.

Ҳозир қўллаб мамлакатларда ички туризмини ривожлантиришга устуворлик берилмоқда. Жумладан, ташқи туризм

бўйича дунёда етакчи бўлган Хитойнинг ички сайёҳлик харажатлари ташқи туризмга нисбатан бир неча қарра юқори. Қозғонистонда жами сайёҳларнинг 85 фоизини маҳаллий аҳоли ташкил қилса, Қирғизистонда бу кўрсаткич 75 фоизга етади.

Мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида ички туризмини ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд. Масалан, Тошкент вилоятида — Бўстонлик ва Паркент, Жиззах вилоятида — Зомин ва Бахмал, Қашқадарёда — Китоб, Қашмиш ва Шаҳрисабз, Навоийда — Нурота, Самарқандда — Ургут, Сурхондарёда — Бойсун ва Сарийосиё каби бири-бирдан ҳушманзара жойлар бор. Биргина Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманида 16 санаторийнинг қайта тикланиши ҳисобига 1,5 минг кишини, Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида энгил конструкциялардан фойдаланган ҳолда, туристик базалар ташкил

этиш орқали 8 мингга яқин фуқарони иш билан таъминлаш имкони бор. Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида даволаш-соғломлаштириш туризми доирасида минерал сув ҳўжалигини ривожлантириш ҳисобига минглаб иш ўринлари яратса бўлади. Энг муҳими, бу борадаги ишлар бошлаб юборилди.

Шуларни инобатга олган ҳолда, ҳозирда мамлакатимизда туризм салоҳияти юқори бўлган 45 та ҳамда 40 та тоғли ва тоғолди туманлар ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, Шаҳрисабз туманининг Наврўз, Мираки, Оқдарё ва Ҳисор ҳудудларига йилга 500 мингга яқин сайёҳ ташриф буюради. Лекин йўл, мобил алоқа ва интернет, меҳмонхона, умумий овқатланиш инфратузилмаси ривожланмагани боис, сайёҳлар бир кунга келиб кетмоқда. Ушбу қишлоқларга олиб борувчи 65 километр йўлни таъмирлаб, интернет, зарур инфратузилма масалалари ҳал қилиб берилса, туризм хизматлари 3-4 баробарга ошади. Бу орқали 45 та қишлоқда минглаб меҳмон уйлари, меҳмонхоналар, овқатланиш ва савдо шохобчаларини ташкил этса бўлади. Бундан ташқари, аҳоли бандлигини таъминлаш имконияти яратилади.

Худди шундай, йўл инфратузилмасининг таъмирланмагани тўғрисида Қамашиди жаҳонда санокли ва ноёб бўлган Майданак обсерваторияси ҳамда XIV аср ёдгорлиги ҳисобланган “Лангар ота” масжидининг сайёҳларни жалб қилиш имконияти ҳам чекланган. Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида йирик туризм объектларига олиб борувчи йўл, мобил алоқа, интернет, меҳмонхона, ва коммунал инфратузилмалар давлат томонидан таъминланади.

Сайёҳлик салоҳияти юқори бўлган туманларнинг “мастер режа”лари ишлаб чиқилиб, ерлар тадбиркорларга тайёр лойиҳа билан аукционга чиқарилади. Бу ишлар учун жорий йилда 200 миллирд сўм маблағ ажратилиши белгиланган. Умуман олганда, сайёҳлик ҳудудларида инфратузилмани яхшилашга 100 миллион доллар жалб қилинади.

Бу жиҳатдан Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида амалга оширилган ишлар ибрат бўлиши мумкин. Сўнгги пайтда туманда 1,6 мингдан ортиқ ер участкаси аукционга чиқарилди. Бу борадаги иш самарадорлигини ошириш учун туман ишчи гуруҳи тадбиркорлар билан учрашиб, улар учун мақбул бўш ер участкаларини ажратиб олди, хусусий лойиҳа ташкилотларини жалб қилиб, топографик хариталар ишлаб чиқилди, аукционга чиқарилди.

Туман ҳокими Шамсиддин Турдалиевнинг қайд этишича, Президентимизнинг жорий йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишлар ривожига муҳим ўрин тутмоқда. Унга мувофиқ, соҳага қўллаб энгилликлар берилди, имтиёзли ресурслар ажратилди. Туманда қисқа муддатларда янги иш ўринлари яратиши ва аҳоли бандлигини таъминлаш имконини берувчи 373 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 4 мингга янги иш ўрни яратиш мақсад қилинган. Шу кунга қадар бу борада жами 3 мингга яқин аҳолининг бандлиги таъминланди. Мавжуд ноқийлоқ ҳўжалик ерлари ўрганиб чиқилганида, туман ҳудудидан ўтувчи Тошкент—Уш А-373 халқаро автомобиль йўли бўйида 1,8 гектар бўш ер мавжудлиги аниқланди. Бу 211 та лотга (ўртача 80-100 квадрат метрдан) ажратилиб “Е-Аукцион” савдоларига қўйилди. Натжидада 211 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, 400 га яқин иш ўрни очилди. Бунинг ҳисобига бюджетга 1,8 миллиард сўмлик солиқ тушумларининг тушиши ҳам таъминланади.

ИМТИЁЗЛАРДАН КИМ МАНФААТДОР?

Жаҳон амалиётини маълумки, ҳар қандай мамлакатда тадбиркорлик фаолияти, шу жумладан, хизматлар соҳасини ривожлантириш учун солиқлар ва бошқа мажбурий туловлардан имтиёз ҳамда энгилликлар берилиши ижобий натижа беради. Шу нуқтаи назардан, Президентимизнинг юқорида номи келтирилган қарориди ҳам бир қатор имтиёз ва энгилликлар берилганининг унинг қўламини кенгайтиришида муҳим ўрин тутаяпти.

— 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар чакана савдо ва умумий овқатланиш, меҳмонхона (жойлаштириш) хизматлари, автотранспортда йўловчи ва юк ташиш, транспорт воситаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, компьютер хизматлари, маийши техникани таъмирлаш, агро ва ветеринария хизматлари кўрсатувчи ҳамда кўнгилочар масканларда хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари учун ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз этиб белгиланган, — дейди Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институтини эксперти Анвар Бозоров. — Бунда солиқ имтиёзи тадбиркорлик субъектлари томонидан, агар уларнинг мазкур фаолият турларини

КАМАЙТИРИЛГАН ИЖТИМОЙ СОЛИҚ СТАВКАСИНИ ҚўЛЛАШ НАТИЖАСИДА ШУ ЙИЛНИНГ АПРЕЛЬ-ИЮНЬ ОЙЛАРИДА 15,4 МИНГТА ТАШКИЛОТ ИХТИЁРИДА ҚАРИЙБ 70,1 МИЛЛИАРД СўМ МАБЛАҒ САҚЛАБ ҚОЛИНГАН ВА 7,3 МИНГТА ҚўШИМЧА ИШ ўрни яратилган. СОҲАЛАР КЕСИМИДА ОЛАДИГАН БўЛСАК, ЧАКАНА САВДО ВА УМУМий ОВҚАТЛАНИШДА — 4 754, АВТОТРАНСПОРТДА йўловчи ва юк ТАШИШДА — 1 271, МЕҲМОНХОНА (ЖОЙЛАШТИРИШ) ХИЗМАТЛАРИ СОҲАСИДА — 752 ТАНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.

амалга оширилган олган даромадлари жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромадининг камида 60 фоизини ташкил этса, қўлланилади. Юқоридаги фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан ходимлар сонини яшириш ҳолатлари аниқланганда, солиқ имтиёзининг амал қилиши тўхтатилади ҳамда қонунчиликда белгиланган молиявий санкциялар жорий этилади.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларига 2022 йил 1 январга қадар меҳмонхона (жойлаштириш воситалари) ва майдон 5 минг квадрат метрдан юқори бўлган савдо комплекслари ёки улар эгалланган ер участкалари бўйича юридик шахслардан олинмаган ер ва мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 90 фоизга камайтирилди. Янги қуриладиган объектларга эгалланган ер участкасига нисбатан мазкур имтиёзини улар фойдаланишга топширган ойдан бошлаб 5 йил муддат давомида қўлланилади. Фойда солигини ҳисоблашда биноларнинг қийматини икки йил давомида амортизация харажатлари сифатида чегириш ҳуқуқи берилди. 2025 йил 1 январга қадар туризм соҳаси учун махсус солиқ режими жорий этилиб, 3 йил давомида айланмадан олинмаган ва ижтимоий солиқ 1 фоиз ставкада, мол-мулк ва ер солиқлари эса ҳисобланган суммадан 1 фоизи миқдориди белгиланади.

Камайтирилган ижтимоий солиқ ставкасини қўллаш натижасида шу йилнинг апрель-июнь ойларида 15,4 мингта ташкилот ихтиёрида қарийб 70,1 миллиард сўм маблағ сақлаб қолинган ва 7,3 мингта қўшимча иш ўрни яратилган. Соҳалар кесимида оладиган бўлсак, чакана савдо ва умумий овқатланишда — 4 754, автотранспортда йўловчи ва юк ташишда — 1 271, меҳмонхона (жойлаштириш) хизматлари соҳасида — 752 тани ташкил этади.

— Маълумки, ҳозирги давр сайёҳлик объектлариди сифати алоқа ва интернет тармоғи бўлмаслиги уларнинг жозибадорлиғига салбий таъсир кўрсатади. Афсуски, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида барча алоқа операторларининг станциялари бўлмагани тўғрисида қўллина сайёҳлик манзилларида мобил алоқа ва интернет хизматлари сифати талаб даражасида эмас, — дейди Мухсинжон Холмухамедов. — Ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида,

Экспертлар қайд этганидек, мамлакатимизда хизматлар ривожига фақат шу соҳани тараққий эттирибгина қолмай, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига ҳам мультимедиа таъсир кўрсатади. Масалан, молия, сугурталаш хизматларига талабнинг 1 миллион сўмга ўсиши иқтисодиётда қўшимча 3,2 миллион сўм қиймат яратади. Худди шундай катта мультимедиа таъсирга эга бўлган соҳалар қаторига консалтинг, умумий овқатланиш, туризм, таълим, соғлиқни сақлаш ва коммунал хизматларни киритса бўлади. Шундай экан, мамлакатимизнинг буғунги ривожланиш босқичида хизматлар соҳасини иқтисодиётнинг “лоқомини”га айлантириш ялли ички маҳсулотни 100 миллиард доллардан ошириш ва пировардида Ўзбекистоннинг даромади ўртадан юқори бўлган давлатлар қаторига қўшилишига замин яратади.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ИННОВАЦИЯ

ЭКСПОРТГА КўМАКЛАШУВЧИ ПЛАТФОРМА

Кўз ўнгимизда бутун жаҳон иқтисодиёти, халқаро бозор тенденциялари ўзгариб, “электрон тижорат” атамаси кўп қўлланилмоқда. Мамлакатимизда ҳам электрон тижорат, рақамли савдо ва шунга боғлиқ фаолият турлари жадаллик билан ўсиб борапти.

Албатта, электрон савдоларнинг ривож бевосита рақамли технологиялар, хусусан, жамиятнинг барча бўғинларига интернет кириб бораётгани, ахборот технологиялари ҳаётимизнинг бир қисмига айланиб улгургани билан бевосита боғлиқ. Турли тадқиқот натижаларига кўра, рақамли иқтисодиётнинг дунё иқтисодиётидаги салмоғи 4,5 фоиздан 15,5 фоизгача ташкил этади. Шунингдек, ушбу статистик кўрсаткичлар кун сайин ўсиб бормоқда. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққий эт стратегиясида рақамли иқтисодиётнинг иқтисодий ривожланишининг асосий “драйвери”га айлантириш ва унинг ҳажмини камида 2,5 баравар ошириш режалаштирилган. Бунда электрон тижорат асосий ўринлардан бирини эгаллаши белгиланган.


АНЪАНАВИЙ УСУЛДАН ОНЛАЙН САВДО САРИ

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили тадбиркорлар билан бўлиб ўтган илк очиқ мулоқоти чоғида электрон тижорат платформаларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарурилиги таъкидланган эди. Шунга мувофиқ, 2021 йилнинг 17 ноябрида Президентимизнинг “Электрон тижорат маъмуричилигини такомиллаштириш ва уни янада ривожлантириш учун қулай

шароитлар яратиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Бу ҳам мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, электрон тижорат платформаларини янада кўпайтириш, бу борада замонавий инновацион технологияларни қўллашда амалий ишларга катта туртки бўлди, десак муволафа бўлмайди.

Бугунги кунда Ургут тумани ишлаб чиқариш соҳаси бўйича нафақат Самарқанд вилояти, шунингдек, юртимиздаги энг илғор туманлардан бири ҳисобланади. Чунки мазкур туманда юздан ортиқ корхоналар бор ва уларда кенг турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Лекин биз, мутахассисларни ўйлантирадиган масала ушбу маҳсулотларнинг бозорда анъанавий усулда сотилиши эди.

Онлайн бозор анъанавийсига нисбатан ҳам вақт, ҳам камхаржлик жиҳатидан анча қулай. Шунинг учун ҳам бозорларимизга, тадбиркорларга замонавий савдо платформалари зарур. Албатта, пойтахтимизда бу жараён сўнгги йилларда жадаллик билан ривожланди. Биз эса юртимизнинг олис ҳудудларида ҳам онлайн савдоларни ривожлантириш, тадбиркорларга замонавий бозор имкониятларини тақдим этишни олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Мамлакатимиздаги онлайн савдо ривож борадида бир қатор изланиш, таҳлиллар олиб бордик. Сўнгга “Ургут” эркин иқтисодий зонаси мисолида онлайн платформа ишлаб чиқиш ташаббусини илгарти сурдик.



ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТИНИ КАМИДА 30-40 ФОИЗГА ОШИРАДИ

Кузатувларимиз бўйича ҳозирда ишлаб чиқарувчилар ўз потенциалининг 50-60 фоизинигина ишлатмоқда. Бу кўрсаткични кўтариш учун эса сотув жараёнлари, айниқса, экспорт оширилиши керак. Бу эса лойиҳага бўлган талабнинг қанчалик муҳимлигини кўрсатади. Агар тадбиркорга маҳсулотини хориж бозорларига кўрсата олиш, харидорлар ва тадбиркорлар ўртасида янги товар айланмиш йўлига очиб берилса, бу тизим халқаро Alibaba, Ebay, Amazon каби тармоқлар билан интеграциялаштирилиши, тадбиркор, албатта, ўз ишлаб чиқариш қувватини камида 30-40 фоизга оширади.

Лойиҳа бўйича бир гуруҳ маъсуллар билан учрашдик. Бизни қувонтиргани, улар ташаббусни қўллаб-қувватлади. Бу ҳозирча Ургут мисолида, келгусида эса бутун республика бўйича амалга оширилиши мақсад қилинган. “Мамлакатимиздаги тадбиркорлар ўз маҳсулотларини тез ва ишончли танитиш, савдо айланмасини ривожлантириш, экспорт имкониятини оширишга қаратилган ҳамда VR/AR технологияларига асосланган халқаро маркетинг платформасини яратиш” лойиҳаси Инновацион ривожланиш вазирлигини томонидан молиялаштирилди. Шунингдек, ташаббусимиз Ургут тумани ҳокимлиги ва “Ургут” эркин иқтисодий зонаси томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Лойиҳамиздан қўзланган асосий мақсад — мамлакатимиздаги тадбиркорлар ўз маҳсулотларини жаҳон бозорига тез ва ишончли танитиш, савдо

айланмасини ривожлантириш, экспорт имкониятини ошириш ҳамда “Ургут” эркин иқтисодий зонаси ҳудудидаги ишлаб чиқаришга иxtисослашган корхоналарнинг маҳсулотлари учун энг сўнгги VR/AR каби замонавий технологиялар қўлланилган халқаро “Birmakon.com” маркетинг платформасини ишлаб чиқиш.

Мазкур платформа ёрдамида тадбиркорлар ўз маҳсулотларини халқаро бозорга кўрсата олиши, янги харидорлар оқимига эга бўлиш ҳамда ортиқча харажатларнинг тежалишига эришиши кутилмоқда. Лойиҳа икки кўринишда — хизматлар ва маҳсулот сотишда ҳамкорлик қилишдан даромад олиши кўзда тутилмоқда.

Яна бир жиҳатга алоҳида тўхталиб ўтсак: кўпчилик турли онлайн дўконларнинг мисол келтириши мумкин. Аммо республикамиздаги аксарият онлайн савдо платформалари импорт қилинадиган маҳсулотлар сотуви билан шуғулланади. Ўрни Хитой ёки бошқа бир давлатдан келтирилмаган маҳсулотлар сотувини тарғиб қилади. Албатта, бу ҳам керак, аммо маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини сотишга иxtисослашган дастурий таъминот ва хизматлар ҳам зарур. Биз лойиҳа доирасида тадбиркорларга тайёр платформада имтиёз тақдим этамиз. Платформада маъмулурлар, тадбиркорлар ва сотувчилар бўлади. Исталган тадбиркор ўз маҳсулотини платформага жойлаши мумкин.

Платформада ҳам тадбиркорлар, ҳам харидорлар учун барча қўлайлик яратилган. Масалан, ҳўжалик моллари ишлаб чиқарувчилар учун худди шундай бўлим ва кичик бўлимли мавжуд. Харидор керакли бўлимлардан хоҳлаганча маҳсулот харид қилиши мумкин. Оддий бир электр жиҳозининг маълум қисминини ишлаб чиқарувчи кичик корхона ҳам бемалол бизга маҳсулотларини жойлаши олади. Тадбир

кор керакли бўлимга ўзининг интернет дўконидек барча маҳсулотларини жойлаштиради, албатта, бунда барча расмий жараёнлар кўзда тутилган.

VR/AR ТЕХНОЛОГИЯСИ НИМА?

Онлайн платформага VR/AR каби замонавий технологияларини ҳам киритдик. Бу харидорга бевосита маҳсулотни масофадан туриб танлаш имкониятини беради. Кузатувларимиз натижасига кўра, бугунги кунда VR/AR технологиялари айнан онлайн савдода кенг қўлланилмоқда. Дунёга машҳур онлайн савдо платформаларида ҳам шундай. Бу каби инновацион ёндашувлар дастурий маҳсулотимизнинг аҳамиятлик даражасини оширади. Тасаввур қилинг, платформа ёрдамида музлаткич сотиб олишни мақсад қилган харидор бошқа ҳудуддан, чет давлатдан туриб, виртуал кўринишда харид қилмоқчи бўлган маҳсулотни билан танишиши имкониятига эга. Очиб кўриши, ҳажми, ранглари, жойлашуви ҳақида хабардор бўла олади.

Шу ўринда айтиш кераки, платформа тадбиркорларнинг маҳсулотларини улгурчи сотиши учун махсус имкониятлар ҳам яратилмоқда. Ҳозирги кунда лойиҳанинг биринчи босқичи якунланди. Дастурий маҳсулотнинг асосий қисми тайёр. Тест режимида синовдан ўтказиб, хато ва камчиликлари устиди ишлаяпмиз. Шунингдек, платформанинг мобил вариантларини ҳам яратилмоқда. Бу тадбиркор ва харидорлар учун янада қўлайлик яратиши шубҳасиз.

Қувончбек ЯЗДАНОВ, “Birmakon projects” МЧЖ раҳбари, лойиҳа ташаббускори

БУ БОҒНИ ХАЛҚИМИЗ ЯХШИ БИЛАДИ

ЁХУД РАҚОБАТДА “ЮЗИ ЁРУҒ” МАСКАН

Бошланиши 1-бетда

Мазкур ташриф одатдагиларидан фарқ қилди, назаримизда. Қуйида ушбу мулоҳазаларни асослашга ҳаракат қиламиз.

Бу боғни халқимиз яхши билади. Боғ хотираси бир неча авлодни улғайтирган. Президентимиз бу боғнинг тарихий қиёфасини сақлаб қолиш, бу ерда миллий анъаналаримизга хос муҳит яратиш зарурлигини бежиз таъкидлаб келаётгани йўқ.

Шаҳарликлар, қолаверса, меҳмонлар гувоҳ: шу асосида 14 гектардан зиёд ҳудудда катта ишлар бажарилди. Маммурий бино, рестороанлар қурилиб, кўприклар ва йўлаклар янгиланди. Жами майдони 40 минг квадрат метр бўлган кўл тикланди. Сув сизиб чиқмаслиги ва лойқаланмаслиги учун кўл тубига махсус қопламалар ётқизилди. Қирғоқлар тартибга келтирилиб, чўмилиш ҳавзаси ташкил этилди. Мингдан зиёд дарахт, 200 мингга яқин бута кўчатлари экилди.

Булар айтишга осон гаплар. Мушоҳада қилсак ва бажарилган ишлар кўлами,


муддати, унга халқимиз кўз тикиб турган манзил эканини ҳисобга олсак, ҳудудда амалга оширилган ишларни бошқалар ўн йилларда ҳам эплаши дарғумон эди, деб баралла айта оламиз.

Кеча давлатимиз раҳбари шу ерда нурунийлар, адабиёт ва санъат намоёндалари билан суҳбатлашди. Уларни яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами билан табриклаб, ушбу боғнинг аҳамиятини алоҳида урғулади.

— Бугун шаҳарларимизда бўлаётган ўзгаришлар яхши. Лекин қадриятларимизни эъзозлаш, хотира ҳам керак. Илгари бу боғ Тошкентнинг энг машҳур жойи бўлган, ўзига хос рамзларидан бирига айланган. Одамлар бу ерга келиб сайр қилган, ижодкорлар табиатдан завқ, илҳом олган. Талабалар, ёшларнинг энг завқли дамлари шу ерда ўтарди. Бу тарихни ҳозирги кун билан ҳамоҳанг қилишимиз керак, — деди Президент.

Миллий боғда мазмунли дам олиш учун ҳамма шароит яратилган. Кимдир айтиши мумкин, аввал ҳам шундай эди-ку, деб. Йўқ! Аввалги боғ

ИФТИХОР



“ БУТУН ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ОДАМЛАР ОДДИЙЛИКНИ СОҒИНДИ, ТАБИЙЛИККА ИНТИЛИШ КУЧАЙДИ. ДАВЛАТ МИҚЁСИДА УШБУ МАСАЛАГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАР ЭКАН, БАРАЛЛА АЙТИШ МУМКИНКИ, МАМЛАКАТИМИЗДА БАШАРИЯТ ОЛДИДАГИ УШБУ МУАММОГА ЕЧИМ ТОПИШ ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР САМАРАСИ БУТУН БЎЙ КЎРСАТА БОШЛАДИ.

билан бугунгисини таққослаб бўлмайди. Тўғри, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, XX асрнинг 80-йилларида “бу боғ Тошкентнинг энг машҳур жойи бўлган, ўзига хос рамзларидан бирига айланган”. Эди. Фақат тоифаланган ҳам эди-да. Номин эса “Комсомол кўли”, яъни ёшлар унга эгалик қиларди. Энди эса... Фикрларга қулоқ тутамиз:

— Боққа оиламиз ёки яқинларим даврасида сайр қилиш, овқатланиш, шахмат, шашка ва теннис ўйнаш, велосипед ҳайдаш имконияти бўлгани учун мунтазам келиб турамыз, — дейди Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти талабаси Муслима Қобилжонова. — Ўтган йил июнь ойида “Magic City” оилавий кўнгилочар боғи очилди. Дунёнинг машҳур пойтахтлари

хиёбонларига тақлид қилувчи кўчалар, турли дўконлар, музикавий фаввора, Баваляриянинг “Нойшванштейн” қальъаси нусхаси, Рим Колизейи кўринишидаги амфитеатр, шунингдек, бироз кейинроқ аквариум ҳам ишга туширилди. Бу пойтахтликлар ва шаҳримиз меҳмонлари учун катта тўхта бўлди.

Дарвоқе, “Комсомол кўли” ўрнида янги сув омбори барпо этилди. “Тўлиқ

модернизация қилинган кўл ва унинг пляж майдони 33 минг квадрат метр-ни ташкил қилади. Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Миллий боғ 2017 йилда таъмирлаш учун ёпилган эди. Унинг ҳудудида “Magic City” кўнгилочар мажмуаси, Ёзувчилар хиёбони очилди. Энди навбат тошкентликларнинг севимли дам олиш масканларидан бири бўлган кўлга келди. Мазкур кўл Тошкент шаҳри ҳудудида ўтган асрнинг 30-йилларида эски лой карьер ўрнида яратилган иккинчи йилги сунъий сув омбори бўлиб, ҳашар усулида бунёд этилган. Эндиликда у аввалгидек канал сувларига уланди. Сув мунтазам янгиланиб туради”, дейди Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиққўжаев. Мутахассисларнинг фикрича, пойтахтимиздаги “Миллий боғ” дунёдаги ўзининг муқобиллари билан дадил тенглаша олади, ҳар томонлама “юзи ёруғ”.

Кеча Президентимиз айтган яна бир фикрга эътибор беринг: “Ҳаммамиз уша машҳур киноларимиздаги “Гузал Тошкент” каби куй-қўшиқларни, ҳофизларимиз ижро этган ашулаларни яхши биламиз, улар қалбимиздан чуқур жой олган. Шунинг учун бу боғда ана шундай тароналар доимо янграб туришига эътибор бердик. Ўйлайманки, бу ерда аввалгидек мушоиралар, концертлар ўтказиш, яна кинолар олиш мақсада мувофиқ. Булар боғимизни янада файзли ва тароватли қилади”.

Дарҳақиқат, бугун глобаллашув жараёнида одамлар оддийликни соғинди, табиийликка интилиш кучайди. Давлат миқёсида ушбу масалага эътибор қаратила экан, баралла айтиш мумкинки, мамлакатимизда башарият олдидаги ушбу муаммога ечим топиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар самараси бугун буй кўрсата бошлади.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Жавлон УМАРБЕКОВ, Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, академик:



— Пойтахтимизнинг энг сўлим ғўшаси — Миллий боғ ҳудудида Адиблар хиёбони барпо бўлди. Бу эзгу, гузал ишлар замирида бугуннинг ёшлари буюк аждодларимиз, миллат фидойиларининг ҳаёт йўлини ўргансин, уларнинг миллатпарварлигидан ўрнак олсин, юрт учун жонни фидо қилишга-да тайёр бўлишининг мукофоти қандай бўлишини кўрсин, деган эзгу ниятлар, мақсадлар мужассам.

Маърифатпарвар аждодимиз Абдулла Авлонийнинг авлоди сифатида аниқ айтманки, жадидлар ўз оиласи, ҳаловатидан кечиб, юрт тақдирини, келажагини учун қайғурди. Ўзларининг маблағига мактаблар очиб, ўзлари дарсликлар чоп этди. Муаллим ҳам ўзлари, театр саҳнасида халқни ўзлигига чорлаган, илм-маърифатга даъват этган ҳам ўзлари бўлди.

Жордано Бруно “ер айланади”, деганда уни ёқимсоқчи бўлишгани ҳақида эшитганимиз. Минг тавба-тазарру қилдиришса ҳам “ер барибир айланади”, деган. Авлонийга ҳам “ўлсанг, жаноза ўқимаймиз”, деган таҳдидлар бўлса-да, бир умр халқнинг хизматини қилди. Келажакнинг ёруғ эртаси, миллат истиқболини жонидан афзал билди.

Бугун ёшларимиз Адиблар хиёбонидаги маънавият сабоқларида, очик осмон остидаги ноанъанавий дарсларда мана шулар ҳақида кенг тушунчага эга бўляпти. Нега 24 нафар адибга ҳайкал ўрнатилиб, бу қадар эъзозланаётганининг моҳиятини англаб етмоқда.

Ўтган йили Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали тадбирда Президентимизнинг Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхон, Абдулла Авлонийга “Буюк хизматлари учун” орденини бериш тўғрисидаги фармонни имзолаганини эшитиб, кўнглим тоғдек кўтарилган эди. Бу кунларни ўзлари кўрмаса-да, биз, авлодлар уларнинг номлари, меҳнатлари рўёбга чиққанининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бугунги ёруғ, фаровон кунлар аждодларимизнинг асрий орзу-умидлари эди.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, ёзувчи, филология фанлари доктори, профессор:



— Халқимизда “бахри дилим очилди” деган ибора бор. Кўпроқ қарияларимиз айтиди бунини. Одатда, озода, саришта, баҳаво жойларда бир зум нафас ростлаганда, хордиқ чиқарганда, дил яйраганда айтишади. Бахри дили очилган одамнинг димоғи чоғ бўлади, кайфияти кўтарилди ва беихтиёр ё чичида, ё баралла товуш чиқариб яратган Эгамизга шукроналар ўқийди, “Шу кунларга, шу масканларга, шу ҳолатларга етказган ўзингга шукр!” дея дуоларга кўл очади.

2022 йилнинг 27 август кунини пойтахт жамоатчилиги сафида танишганимиз Миллий боғ ана шундай дилни яйратадиган, борган одамнинг баҳри дилини очадиган маскан бўлибди! Бу масканнинг соя-салқин хиёбонларида сайр қилган инсоннинг димоғи чоғ бўлади, кайфиятига кайфият қўшилади. Шу боғни бунёд этишда бош-қош бўлган дав-

латимиз раҳбарининг, шунингдек, қурувчилар, меҳнаткашлар ҳақида дуолар айтилади.

Яна бир гап: қўшиқчилик ва кино санъатида “ретро” сўзи кўп қўлланилади. Бу қадимги ва бурунги фильмларга, қўшиқларга нисбатан айтилади. Инсон борки, болалигида, ёшлигида ёқтирган ашуласи ёки фильмини тинглаган, томоша қилганида бамисоли ўша болалигига, ёшлигига қайтади. Соғинган бадий лаҳзаларидан қайтадан куч-қувват олади.

Миллий боғда ҳозирда ҳаёт бўлган озмунча ватандошларимизнинг болалиги, ўсмирлиги ўтганми?! Шу маънода, Миллий боғ минглаб пойтахтликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари учун ретро-боғ — соғинчи ҳаёт манзараларига қайтадиган боғ бўлибди, десак ҳам янглишмаймиз.

Бу — Миллий боғ жуда катта маънавий мадад манбаи, соғинч туйғулари озуқа оладиган маскан дегандир!

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг учрашув онларидаги кўтаринки кайфияти ва самимияти шу ерда ҳозир бўлган жамоатчилигимиз вакилларининг кайфияти ва самимиятига қўшилиб халқимизнинг доимий шодибонасига айлиниб кетишига ишонамиз.

Исажон СУЛТОН, Ўзбекистон халқ ёзувчиси:



— Давлат мустақиллигимизнинг 31 йиллиги арафасида пойтахтимиз марказида, тарихий Бешёғоч мавзесида замонавий Миллий боғимизнинг очилиши том маънода пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари учун қувонарли байрам шодибонаси бўлди.

Бу боғда улғу шоиримиз Ғафур Ғулум кўп марта кезган, балки хайратомуз асарларининг режаларини тасаввурида пишитган, устоз Ойбек “Навоий” романи воқеаларини шу сувлар қирғоғида хаёлидан ўтказгандир? Шоирлар Туроб Тўла, Уйғун, Ҳамид Олимжоннинг халқ хазинасидан ўрин олган шеърлари, бастакорлар Манас Левиев, Мутал Бурхоннинг эл суйган қўшиқлари шу ерда ёзилгандир? Шу билан бирга, пойтахт аҳолиси ва меҳмонларининг, талабаларнинг азиз хотиралари, ёшлик завқи, илк муҳаббат сурури ушбу маскан билан чамбарчас боғлиқ.

Президентимиз ташаббуси ва кўрсатмалари билан “Ўзбекистон Миллий боғи” негизда ташкил этилган маданият ва истироҳат боғи ўзининг қўрқам манзаралари, яшил ҳудудлари, ораси йўлакларини, турли қўлайликлари билан дунёнинг манаман деган мамлакатлари боғларидан қолишмайди. Жуда қисқа вақт — етти ойда қуриб битказилган, ўн тўрт гектардан зиёдроқ майдонга эга ушбу муаззам маскан гўё ҳазрат Алишер Навоий бошчилигида эл-юрт равнақи учун жон куйдирган фидойи адиб ва шоирларимизнинг тимсолини акс эттиради. Ёзувчилар уюшмасининг бу ажойиб масканга ярашиб тушган янги биноси ва мамлакат тараққийининг ҳуқуқий асоси бўлмиш дарғоҳ — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси халқ иззати, инсон қадр-қиймати борасидаги жонқурлик ва ғамхўрликларнинг рамзи бўлиб юксалган.

Янги Миллий боғимиз аслида бутун мамлакатда давом этаётган бунёдкорлик тамоилининг бир улғувор тимсоли, десак муволага бўлмайди. Улғу мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ўзининг шоҳ асарларидан бири — “Саъйи сайёр” достонидан жаннатманд боғ таърифини шундай қаламга олади:

*Анга доғи бу ком бўлди насиб,
Даҳр аро боғе айлади тартиб.
Чаманосоки, бор анга бир боғ.
Равза боғига ҳасратидин доғ.*

Шу билан бирга, у хушманзара боғ аслида ҳаёт гули ҳисобланмиш инсон учундир, деб таъкидлайди. Бундай саодат бўстонларини барпо этган шоҳга эса “Ки, жаҳон шаҳларига шоҳ ўлсун, То қиёмат жаҳон панох ўлсун” деб тилак билдиради. Янги Ўзбекистонимизда бугун ўз кўлами, камрови ва мазмун-моҳияти билан буюк бобомиз назарда тутган ғояни — инсон қадр-қимматини шарафловчи ўнлаб шундай масканлар бунёд этилаётгани кишини қувонтиради, албатта.

Бундан деярли юз йил аввал, суронли 1932 йилда, халқ иродаси ва меҳнати билан бунёд этилган ушбу тарихий маскан давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қайтадан тикланиб, таъмирланди. Бажарилган ишлар кўлами ҳақиқатан ҳам ҳавас қилгулик: боғ ҳудудида маъмурий бино, 3 та замонавий рестороан, 4 та кўприк, 4 та айвон-терраса, замонавий пляж ташкил этилган бўлиб, жами 27 минг квадрат метр жойда йўлаклар, мрамар ва гранит тўшамалар ётқизилган, 62 минг квадрат метрда кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилган. Сунъий кўл майдони эса 40 минг квадрат метрни ташкил этиб, сув сарфининг олдини олувчи воситалардан фойдаланилган, чўмилиш ҳавзасига қирадиган сувни тозалаш учун эса махсус сув тозалагичлар ўрнатилган. Боғнинг ёритиш тизимлари ва фавворалари ўзига хос бўлиб, ҳам миллий, ҳам афсонавий таассурот уйғотиши билан ўз “қўшниси” — “Афсоналар шаҳарчаси” билан уйғун манзара ҳосил қилади. Таъмир давомида инфратузилма ва коммуникация, хавфсизлик тизимларининг янгиланишига, хизмат кўрсатиш масканларининг жойлашуви, болалар ва айниқса, нурунийларнинг эл-юрт равнақи учун дўолар қилиб, хордиқ чиқарадиган масканларига алоҳида эътибор қаратилган. Булар учун боғ қурилишида жонбозлик кўрсатган юзлаб мутахассисларга чин кўнгилдан ташаккур изҳор этсак арзийди.

Энг улғу, энг азиз байрамимиз арафасида юз минглаб юртдошларимиз ўз болалиги ва ёшлигининг тақдорларимиз тимсолиларига эга чикди. Ушбу маскан эндиликда воёга етиб келаётган Янги Ўзбекистон ёшларининг, янги авлодларнинг сўнмас болалиги, яъни бугунги кунларимизнинг тимсоли сифатида иззатга сазовор маскан бўлиб, янги тарих зарварларига муҳрланади ва асрлар бўйи халққа хизмат қилади. Бугун одамлар севиб эслайдиган мумтоз асарлар ва қўшиқлар сингари, юрт адабиёти ва санъати хазинасидан ўрин олишга муносиб янгидан-янги бадий ва санъат асарлари яратилишига ҳам илҳомлантиради, албатта.

Манзура ВАЛИЕВА, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги “Янгиобод” МФЙ раиси, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиби:

— Пойтахтимизнинг Бешёғоч даҳасида жойлашган “Миллий боғ”да юртбошимиз билан учрашдик. Мамлакатимизда тинчлик-осудалик ҳукм сураётган, инсон қадри юксакларга кўтарилаётган бир паллада давлатимиз етакчиси билан шахримиз нурунийлари, жамоатчилик вакиллари иштирокидаги суҳбат самимий ўтди.

Буларнинг барчаси доно, узққни кўра оладиган, халқига меҳр-муҳаббатли, ватанпарвар раҳбаримизнинг ташаббуслари билан бўлаётганидан барчамиз фахр туйғуларимизни яшира олмадик.



Қаранки, кунини кеча Самарқанддаги “Буюк ипак йўли” халқаро туризм марказида бўлиб қайтганимиздан кейинги таассуротлар эскирмасдан, бугун яна ҳаяжондамиз. “Миллий боғ”

аввалги ҳолатидан ҳам ёшариб, гузаллашиб кетганини, таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганини кўрдик.

Боғдаги аввалги кўприк хали ҳам бор. Лекин катта ёшларга қўлай бўлиши учун бироз пастроқ туширилган. Азим дарахтлар сақланиб қолган. Кўшимча яна четдан келтирилган дарахт, турли анвоий гуллар, яшил майсалар экилган.

Қўлайми-ноқўлайми, айтаман, Тошкент шаҳри аҳолиси, айниқса, талабаларнинг бир пайтлар сеvimли тоами бўлган “тумма” (халқ тилида “4 тийинлик пирожки”) тайёрланадиган алоҳида бано қурилгани ёши катталар учун ширин хотиралар манбаи бўлиб хизмат қилади.

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚОС

ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР
ТАЛАБ ЭТИЛАДИОбид ҲАКИМОВ,
Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази директори

Президент Шавкат Мирзиёев 22 август куни Халқаро конгресс марказида тадбиркорлар билан очик мулоқот ўтказди. Йилгиликда, аввало, бир йил давомида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Қайд этиш лозимки, 2021 йил 20 августда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш тарихида янги саҳифа очилган эди. Ўтган йилги учрашув арафасида ва тадбир давомида тадбиркорлардан келиб тушган минглаб мурожаатларда кўтарилган муаммоларни ҳал этиш ва тақлифларни амалга ошириш бўйича катта дастур, 70 дан ортиқ фармон ва қарор қабул қилинди.

Бизнесни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун 130 триллион сўм кредит, 3,5 триллион сўмлик субсидия ва компенсациялар ажратилди. Хорижий валютада кредит олган ва валюта курсининг мунтазам ўсиши ҳисобига қийин аҳолга тушиб қолган тадбиркорларнинг 123 миллион долларга тенг кредитлари миллий валютага ўтказиб берилди. 82 турдаги хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар импорт божидан озод қилинди, бу эса маҳсулотлар таннархини камайтиришга имконият яратди.

Бизнесни қўллаб-қувватлаш бора-сида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тезда ўз самарасини бера бошлади. Бир йил давомида тадбиркорлар томонидан 55 мингдан ортиқ бино ва иншоотлар қурилди. Бу рақамлар тадбиркорларнинг келажакка ишониб, кўчмас мулкка инвестицияларни кўпайтира бошлаганидан далолат беради. Бизнес масштаблари кенгайтириш учун қўлай шартнош яратилган натижада умумий маблағ тушувлари 1 миллион доллардан ошган тадбиркорлик субъектлари сони 5 минггага кўпайиб, 26 минггага етди. Яна минг нафар тадбиркорнинг товар айланмаси 1 миллиондан 10 миллион долларга ўсди. 220 бизнесмен эса тушувлари 100 миллион долларга етказди. Экспорт қилувчи корхоналар сони 7,5 минггага етиб, умумий экспорт ҳажми 30 фоизга ошди.

Бу йилги очик мулоқотдан анча олдин "колл-марказ" ташкил этилди ва тадбиркорлардан 12 мингдан ортиқ мурожаат, ариза, тақлифлар келиб тушди. Уларнинг катта қисми учрашувга қадар ўтказилган "Тадбиркорлар ҳафтаси" мобайнида тегишли ташкилот ва идоралар томонидан ҳал этилди. Қолганларининг ижобий ечимини топиш устида тизимли ишлар олиб бориляпти.

Лекин дунёдаги бугунги вазиятнинг жаҳон иқтисодиётига салбий таъсири ортиб бормоқда. Иқтисодий фаолиятнинг пасайиши, ташқи савдо, логистика, озиқ-овқат ва хомашё нархлари, энергия билан барқарор таъминлашдаги муаммолар тадбиркорликни янада ривожлантириш йўлида тўсиқ бўлиб турибди. Янги лойиҳаларни бошлаш, бизнесни кенгайтириш ва айланма маблағларни кўпайтириш учун тадбиркорларда 6 миллиард доллар қўшимча кредитларга эҳтиёж бор. 1,5 минг тадбиркор солиқ маъмуричилигининг мураккаблиги ва текширувлар бўйича эътироз билдирган. Тадбиркорлик учун шартнош барча туман ва шаҳарларда ҳам бир хил эмас. Буни яқинда жорий этилган ҳудудларнинг инвестициявий рейтингини яққол кўрсатиб берди. Туман ва шаҳарларда тадбиркорликни тенг ривожлантириш таъминлаш учун ҳар бир ҳудуд учун алоҳида ёндашувлар зарур. Инфратузилмага улашиш, ер ва жой ажратиш масалалари бўйича бизнес вакиллари билан муаммоларни ҳал этиш масалалари бўйича ҳал этилмаган турибди. Мулк дахлсизлиги, тадбиркорлик фаолиятига аралашш ҳам бизнес вакиллари билан жиддий ташвишга солмоқда. Кичик ва ўрта бизнес тушунчалари, уларни қўллаб-қувватлашнинг алоҳида чоралари ишлаб чиқилмаган.

Ана шундай мураккаб муаммоларни ҳал қилиш учун бизнесни ривожлантириш масалаларига янгича ёндашув ва дадил муносабат кўрсатиш талаб этилади. Шу сабабга кўра, мазкур йилгиликда Президентимиз тадбиркорлик тизимини кескин ривожлантириш учун янада қўлай бизнес муҳитини яратиш ва уларни қўллаб-қувватлаш даражасини ошириш мақсадида 5 та долзарб йўналишда ташаббусларни олға сурди.



солиғини 2 баравар кам тўлайди. Бу ҳам тадбиркорлар учун жуда катта ёрдам бўлади. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, "Ушбу имкониятлар 370 минг тадбиркорга ёнгиликлар яратади ва уларга жуда катта стимул беради".

Тез ўсиб бораётган юқори саноатли ўрта корхоналар сонини ҳозирги 3,5 мингдан 10 минггага етказиш чоралари қўрилади. Бу вазифани ижобий ҳал этиш учун имкониятлар яратиш мақсадида 2023 йил 1 январдан бошлаб кичикдан ўрта бизнесга ўтган корхоналар икки йил давомида фойда солиғининг фақат 50 фоизини тўлайди; мулкни суғурта қилиш харажатларининг 50 фоизи давлат ҳисобидан қўллаб берилади; соддалаштирилган солиқ, молиявий ва статистика ҳисоботлари жорий этилади; давлат харидларида 20 фоиз квота ўрнатилиб, ушбу харидлар доирасида уларга олдиндан амалдаги 15 фоиз ўрнига 50 фоиз маблағ тўлаб берилади.

Учрашувда кичик ва ўрта бизнес учун энг муҳим масалалардан бири бўлган



қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва қайтариш муаммоларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўз ўрнида шунини айтиш лозимки, бу олдиндан давом этиб келатган тўсиқлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун Президент 2021 йилги тадбиркорлар билан очик мулоқотида бизнес учун солиқ юқини тушириш сиёсатини давом эътириб, қўшилган қиймат солиғи ставкасини янада туширишга ваъда берган эди. Лекин мазкур йилги йилги таъйири қўриш жараёнида мутасадди раҳбарлар бунга қаршилиқ қилди. Бу ҳақда Президентимиз бундай деди: "Очиқ айтишим керак, "Иқтисодий тадбиркорлик тўғрисидаги қонун"нинг вазияти яхши эмас, шу сабабли бунинг кейинга қолдирилик", деб тақлиф берганлар ҳам бўлди".

Ана шундай вазиятда мамлакатимиз раҳбари 2023 йил 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкасини 12 фоизга тушириш тақлифини олға сурдиш тадбиркорликни янада ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар яратиши аниқ.

Бизнесни қийнаётган яна бир муаммо 2022 йил 1 июлдан бошлаб бўш бино, фойдаланилмаётган ер участкасига

тадбиркорлар учун 1 миллиард доллар узоқ муддатли кредит линиялари жалб қилинади. Шундан 300 миллион доллар аёллар ва ёшлар тадбиркорлиги лойиҳаларига ажратилади. Бунга қўшимча равишда, давлат банкларига соф фойдасидан 2 триллион сўмни ўзларида қолдириш ва кичик тадбиркорларнинг лойиҳалари учун йўналтириш имконияти яратилади.

Бу масалада тижорат банклари ҳам қараб турмайди. Улар ўрта бизнес лойиҳалари учун халқаро молия бозорларидан давлат кафолатисиз 700 миллион доллар маблағ жалб қилади. Бунда, 5 миллион долларгача кредитлар ўрта тадбиркорларга 7 йилдан кам бўлмаган муддатга 3 йилгача имтиёзли давр билан берилади.

Президент ташаббусларининг учинчи йўналиши бизнесни ташкил қилиш ва йўлга қўйиш учун шартнош яратиш лозимлиги ҳақида бўлди. Тадбиркорга кредит беришнинг ўзи билан ҳамма иш ҳал бўлиб кетавермайди. Бунинг учун етарли шарт-шароит, инфратузилма ва ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш учун қафолатли бозор керак. Ҳудудларнинг бу борадаги имкониятлари ҳам ҳар хил. Шунинг учун туман ва шаҳарлар шартношдан келиб чиқиб, бизнес учун алоҳида ёндашувлар жорий этиш тақлиф этилди. Яъни келгуси йилдан шарт-шароити бўйича барча туман ва шаҳарлар 5 та тоифага ажратилади. Уларда солиқ, субсидия, кредит фойзалари учун компенсация ва қафиллик бериш, инфратузилмага улаш бўйича алоҳида тартиблар белгиланади.

Бизнес учун барча шартнош ва инфратузилмага эга замонавий саноат зоналари кўпайтирилди. Масалан, бундан 3 йил олдин Тошкент шаҳрида ташкил этилган "Технопарк" ҳозир 300 миллион доллар маҳсулот ишлаб чиқариб, 120 миллион доллар экспорт қилмоқда. Бундай "технопарклар" барча ҳудудларда бўлиши керак. Шу боис, ҳар бир вилоятда 100 тадан корхоналар учун "йирк саноат зоналари" ташкил этилади. Уларга инфратузилма тармоғи давлат томонидан олиб келинади; бизнес учун ишлаб чиқариш биналари тайёр ҳолда тақлиф этилади; уларни бошқариш учун бу соҳада малакали хорижий компаниялар жалб қилинади; инновациялар ва инжиниринг маркази ҳамда замонавий лабораториялар ташкил этилади.

Тадбиркорларимизнинг жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун 2022 йил якунига қадар, қўшимча 10 мингдан ортиқ ер участкалари савдога чиқарилади; аукционга чиқариш муддати амалдаги 80 кундан 30 кунгача қисқартирилади; чекка ҳудудларда ерларни аукционга чиқаришда пасайтирилган коэффициентлар қўлланилади; бўш турган объектларни аукцион орқали ижарага бериш муддати амалдаги 1 йилдан 3 йилгача узайтирилади.

Тадбиркорларнинг мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш масаласи Президент ташаббусларининг тўртинчи йўналиши бўлди. Шу пайтга қадар баъзан вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари бу масалада тадбиркорларнинг мулкка бўлган ҳуқуқини ўзбошимчилик билан бузиш ҳолатлари юз бериш учраб турар ва бундан мулк эгалари кўп азият чекар эди. Бундан бунён ер ва мулк ажратиш ҳақидаги қарорларни бекор қилиш фақат ва фақат суд тартибиде амалга оширилиши, яъни ҳуқуқ берувчи ҳужжатни фақат суд ҳақиқий эмас, деб топиши мумкин бўлиши белгиланди.

Мулк борасида тадбиркорларни қийнаётган яна бир масала тергов жараёнида мол-мулкни хатлаб қўйиш билан боғлиқ. Мисол учун, ўтган 3 йилда терговчилар томонидан аниқланган зарардан икки баравар кўп, яъни 1,5 триллион сўм миқдордаги мол-мулк хатланган. Натижанда бу амалиётдан тадбиркорлар жуда кўп иқтисодий зарар кўриб келяпти.

Президентимиз бундан бунён ҳар бир хатловнинг асосли экани суд томонидан кўриб чиқилиши ва қарорни ҳам фақат суд қабул қилиши лозимлигини таъкидлади.

Бешинчи йўналиш тадбиркорлар фаолиятини назорат қилиш ва уларни жавобгарликка тортиш масалалари билан боғлиқ. Давлатимиз раҳбари бу борада инқилобий характерга эга бўлган тақлиф бериб, яъни тадбиркорларга нисбатан янги жавобгарлик ва



жазо чораларини жорий этишга 3 йиллик мораторий эълон қилинади. Бундан ташқари, тадбиркорларга нисбатан мажбуриятлар юклайдиган янги қонун ҳужжатлари қабул қилинганда, йўл қўйилган хатоси учун тадбиркорга 6 ой давмида жазо қўлланилмайди.

Бу йўналишда яна бир муаммо, кичик бизнес учун солиқ текширувлари билан боғлиқ жарималарнинг тури кўп ва солиқ юқи оғирлиги масаласидир. Масалан, айни пайтда айланмадан солиқ тўлаётган 370 мингдан зиёд кичик тадбиркорларнинг солиқ бўйича ўртача олий тўлови 1 миллион сўм атрофида. Лекин касса чеки бермагани учун 5 миллиондан 10 миллион сўмгача молиявий, шунингдек, 3 миллиондан 12 миллион сўмгача маъмурий жарима солинади. Яъни кичик тадбиркорлар учун ҳам, йирк корхоналар учун ҳам жазо бир хил.

Мана шу муаммонинг ҳам ечим тақлиф этилди. Яъни савдо соҳасида фаолият кўрсатадиган тадбиркорларимизни қарийб 30 йилдан бери қийнаб келадиган ҳолат, савдо қондаларини бузганлик учун жиддий жавобгарлик бўлган бекор қилинади. Биринчи марта хато қилган кичик бизнес вакилларига жазо чораси қўлланилмайди. Бунинг ўрнига камчиликларни бартараф этишга солиқ идоралари кўмакчи бўладиган тизим жорий этилади. Яна бир муҳим масала бор. Яъни жарималар миқдори тадбиркорларнинг тўлаётган солиқидан ошиб кетмаслиги керак.

Йилгиликда кўп иш ўринлари яратган, бизнеснинг янги йўналишларини йўлга қўйган, ўз соҳасида инновация ва ислохотлар қилган ва эл-юрт орасида обрў топан бизнес вакиллари муносиб

бошқа ҳудудий раҳбарларга қўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдирномалар киритиш ваколатига эга бўлади; маҳаллий Кенгаш ва ҳокимлар билан ҳар ой камида икки марта танқидий муҳокамаларни ўтказиши. Савдо-саноат палатасининг ваколатлари кенгайтирилади. Яъни улар Ҳукуматга қўриб чиқиши мажбурий бўлган масала киритиш, тадбиркор манфаатини қўллаб-қувватлаш ариза бериш ҳамда иқтисодий, маъмурий ва жиноят ишлари бўйича суд қарорларини қайта қўриб чиқиш юзасидан шикоят киритиш ваколатларига эга бўлади. Савдо-саноат палатаси Ҳукумат буйсунувида тўлиқ чиқарилади.

Палата тадбиркорлар манфаатининг ҳақиқий ҳимоячиси айланади. Кичик ва ўрта тадбиркорлар Палатага аъзолик бадали тўлашдан бутунлай озод этилади.

Йилгиликда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва тўлақонли амалга ошириши таъминлаш учун Президент ҳузурида Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича Жамоатчилик кенгаши тузилади.

Ҳулоса ўрнида айтиш жоизки, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш сиёсатида бошланган кескин ўзгаришлар давлат бошқарувидаги иқтисодий блокни органлардан жуда жиддий саъй-ҳаракатларни талаб қилади. Президент томонидан олға сурилган янги ғоя ва чора-тадбирлар амалдаги тартиб ва қондаларга жиддий ўзгаришлар киритиши, янги ёндашувларга асосланган янги мезонларни жорий этишни талаб қилади ва бу қисқа вақт ичида амалга оширилиши керак бўлган жуда мурак



эътироф этиш учун "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тадбиркор" фахрий унвонини таъсис этиш тақлифи берилгани ҳам тадбиркорларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг янги механизмининг яратиди.

Янги шартнош Савдо-саноат палатаси тизимининг роли ва аҳамиятини ошириш борасида унинг фаолиятини тубдан қайта қўриш бўйича тақлифлар айтилди. Энди туман, шаҳар тадбиркорларини бирлаштириб, уларни қийнаётган муаммо ва масалаларни аниқлаш билан амалда шугулланади; ҳар бир туман ва шаҳарда илгор методикалар асосида бизнесга ўқитиш мактабларини ташкил қилади; ҳоким ва

каб ва масъулиятли жараёнлардир. Аммо шунга қарамай, Президентимиз давлат раҳбари сифатида ўз сиёсий иродаси билан тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ёндашувларни тубдан ўзгартиради, шу билан бирга, бизнес ва уни янада ривожлантириш учун ўта қўлай бўлган шартношларни таъминлайдиган мақсад ва вазифаларни белгилаб берди.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган шартношлар соҳа ходимларига улкан куч-қувват бағишлайди, тадбиркорларнинг Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида муносиб иштирок этишини таъминлайди.

ТАРАҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ТАЪЛИМДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ АМАЛГА ОШИРИШ ОМИЛИ БЎЛАДИ



Ҳожиакбар ДАЛИЕВ,
“МЭИ” миллий тадқиқот университети”
федерал давлат бюджети олий таълим
муассасаси Тошкент филиали ижрочи
директори

Жамият тараққиётини ҳаракатга келтирувчи куч жамият аъзоларининг маънавий, маърифий маданияти ва интеллектуал ривожланишининг юқори даражада бўлишидир. Яхши йўлга қўйилган таълим тизими ана шундай етуқ кадрларни, баркамол кадрлар эса ривожланган жамиятни барпо этади. Шу боис, мамлакатимизда сўнгги йилларда таълим соҳасининг барча босқичини ислоҳ қилиш, халқаро андоза ва замонвий талаблар асосида ташкил этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасидаги англаниш ва ўзгаришлар жамиятда интеллектуал салоҳият ривожига хизмат қилади.



Кўп йиллик орзулар рўёби

Сўнгги йиллардаги кенг қамровли ислохотлар натижаларини таҳлил этар эканмиз, Ўзбекистоннинг муҳим тарихий бурилиш палласига киргани аниқ кўринади. Ҳаракатлар стратегиясидан Тараққиёт стратегиясига ўтиш асосида ҳамма жаҳаларда ривожланиш учун замин яратилди. Тараққиёт стратегиясини ҳаётга жорий этиш асосида мамлакатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётини тубдан янгилаш, “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” ғоясини реал воқеликка айлантириш борасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилдики, улар билан ҳар қанча фахрланасан арзийди. Мазкур ғоянинг моҳиятини таълимдаги тизимли ислохотлар жараёни нуктаи назардан таҳлил қилладиган бўлсак, соҳада ўсиш юз берганига гувоҳ бўламиз. Айниқса, олий таълимдаги ислохотлар жараёни халқимизнинг кўп йиллик давомида кутган орзу эди. Яқин йилларга қадар мамлакатимизда олий таълимда таҳсил олиш ўн минглаб ёшлар учун орзулигича қолар эди. Сўнгги йилларда олий таълим тизимида асосий эътибор талаба ёшларимизнинг таълим олиши учун кенг имконият ва зарур шароит яратишга қаратилди. Натيجида ўтган 6 йил мобайнида олий ўқув юртлири сони 177 тага етди, уларга қабул 3,5 баробар ортди. Ёшларнинг

олий таълим билан қамров даражаси 9 фоиздан 32 фоизга етди.

Шунингдек, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва хусусий секторни жалб қилиш орқали 33 та нодавлат олий таълим муассасаси ташкил этилди. Хорижий олий таълим муассасалари сони 31 тага, давлат олий таълим муассасалари 113 тага етказилди. Олий таълимда сиртки, кечки, кундузги, масофавий таълим турлари очилди ва таълимнинг ҳар қандай шакли учун ёш чекловлари олиб ташланди.

Тараққиёт стратегиясида белгиланганидек, 2022 йилда ёшларнинг олий таълим билан қамров даражасининг 38 фоизга етказилиши, тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш параметрларини олий таълим муассасалари томонидан мустақил белгилаш тартиби жорий этилиши, давлат олий таълим муассасаларига академик ва молиявий мустақиллик берилиши, жумладан, улар томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш, ходимлар сони, тўлов-контракт миқдори ва таълим шаклини мустақил белгилаш амалиёти йўлга қўйилиши, 2026 йилда қабул кўрсаткич-ни камиди 250 мингга етказиш каби мақсадларни ижтимоий соҳадаги энг долзарб масалаларнинг ҳал этилишидир.

РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Таълимнинг барча йўналишида кенг қамровли халқаро ҳамкорлик амалга оширилмоқда. Ана шу ҳамкорлик Учтинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этишда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ренессанс бир мамлакат ичида ўзининг қобилиятини ўрнатган ҳолда шаклланиб, балки жаҳон билимлари уйғунлигида, интеграциясида ва инсон капиталига куч берган жойда рўй беради. Президентимиз ташаббуси билан кейинги йилларда мамлакатимизда технологик ривожланган мамлакатлар олий таълим муассасалари филиаллари ташкил этилмоқдаки, жаҳон илм-фан ютуқларини назарий ва амалий жиҳатдан тўғридан-тўғри мамлакатимизга олиб кириш, илмга чанқоқ ёшларнинг замонвий технология билан ва тафаккурини шакллантиришга қаратилган жараёнлар кечмоқда.

Ортимизда иш бошлаган хорижий таълим муассасалари қаторида Президентимизнинг 2019 йил 4 июндаги қарори билан Тошкент шаҳрида иш бошлаган “МЭИ” миллий тадқиқот университети” федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиали ҳам бор. Филиалнинг қабул квотаси ҳар йили ошириб келинмоқда.

Филиал ҳозирга қадар Тошкент давлат техника университети

бино-иншоотларидан фойдаланиб фаолият юритди. Янги ўқув йилида эса замонвий ўқув биноси, талабалар турар жойлари, сўнгги технологик жиҳозлар билан жиҳозланган лабораториялар, компьютерлашган Ахборот-режисур маркази, хориждан таклиф этилган профессор-ўқитувчилар учун меҳмонхона қуриб битказилди ва ишга туширилмоқда.

“МЭИ” миллий тадқиқот университети” федерал давлат

бюджети олий таълим муассасаси Россия олий ўқув юртлири ичида ўзига хос салоҳиятга эга. Биноси, талабалар турар филиал ўртасидаги алоқалар, ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Тадқиқотлар қилаётган ёш ўқитувчиларга илмий раҳбарликка, асосан, москвалик мутахассислар тайинланиши билан бирга, иқтидорли талабалар амалиёт дарсларини Москвада ўташига шароит яратиб берилмоқда.



Жараён

ТИББИЁТ



ПОЙТАХТЛИК ШИФОКОР КИТОБ ТУМАНИДА МАЛАКА ОШИРАДИ

Бир пайтлар Қашқадарёнинг олис тоғли ҳудудидаги Китоб туманида Тошкент шаҳридан шифокорлар келиб, тажрибасини оширади, деса ҳеч ким ишонмасди. Бугун бу ишлар амалда бўлмоқда.

2017 йилда тажрибали шифокор, II даражали “Саломатлик” ордени соҳиби Алишер Бобоев ташаббуси билан Китоб туманида очилган “Life clinic” хусусий клиникасига қарашли “Саломатлик академияси” Президентимизнинг “Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ташкил этилган эди.

Ўтган беш йилга яқин давр сарҳисоб қилганидан бўлса, клиникада каттагина ислохотлар олиб борилиб, бир қатор янгиликларга қўл урилди. Шифоистаб беморларнинг дардига малҳам бўлиб, эл меҳри қозонилди. Бунинг замирида эса клиника жамоасининг аҳиллик билан бир ёқадан бош чиқариб қилган машаққатли меҳнати ётибди. Алишер Бобоев клиника фаолиятида дунё стандартлари даражасидаги малакали тиббий хизматни олис туманда ҳам йўлга қўйиш ҳамда аҳолига қулайлик яратиш сингари юксак мақсадларни кўзлаган эди. Эътироф этиш жоизки, клиника жамоаси буни шараф билан адо этмоқда. Буни мазкур муассасада олиб борилаётган амалий ишлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Клиникада бир кунда ўртача 450 дан ортиқ беморга тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Шунингдек, аҳолининг кам таъминланган, ҳимояга муҳтож, уруш фахрийлари ва ногиронлик бўйича нафақа оладиган тоифадаги қисмига бепул хизмат кўрсатиш ҳам йўлга қўйилган. Ўтган 2017–2021 йиллар давомида



“ЎТГАН 2017–2021 ЙИЛЛАР ДАВОМИДА АҚШ, ХИТОЙ, ЖАНУБИЙ КОРЕЯ, ТУРКИЯ ВА БОШҚА ДАВЛАТЛАРДАН ЖАМИ 1 262,7 МИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ ҲАМДА 1 МИЛЛИАРД 370 МИЛЛИОН СЎМ МИҚДОРИДАГИ ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ УСКУНАЛАРИ ОЛИБ КЕЛИБ, ЎРНАТИЛДИ.

АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Туркия ва бошқа давлатлардан жами 1 262,7 минг АҚШ доллари ҳамда 1 миллиард 370 миллион сўм миқдоридagi замонавий тиббиёт ускуналари олиб келиб, ўрнатилди.

— Клиникамизда 2018 йилда эндоурология йўналиши бўйича халқаро маҳорат дарси ва 2019 йилда республикада биринчи мартаба Халқаро Эндоурология форумининг ташкил этилганлиги барчамизни фахрлантди, — дейди “Life clinic” хусусий клиникаси директори Қобилжон Худойқулов. — Форумда юздан ортиқ малакали

шифокорлар ва мамлакатимизнинг 400 дан ортиқ мутахассислари иштирок этган. Унда телемедицина орқали чет эл мутахассислари томонидан бажарилган ўндан зиёд замонавий усулдаги жарроҳлик амалиётлари иштирокчиларга трансляция қилинди.

“Саломатлик академияси”да, асосан, диагностика таҳлиллар йўлга қўйилиб, эндиликда беморларда жарроҳлик амалиётини бажариш борасида ҳам зарурат пайдо бўлди. Бу борада эса Алишер Бобоев янги лойиҳа устида бош қотириб, тезда шу ернинг ўзида янги клиника очишга бел боғлади.

МУРАККАБ ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТЛАРИ



2021 йил август ойига келиб, аҳолини сифатли тиббий хизмат билан таъминлаш ҳамда мураккаб жарроҳлик амалиётларини амалга ошириш мақсадида “Саломатлик академияси” ёнида янги “Doktor Boboyev health center” номли жарроҳлик маркази ташкил этилди.

Тадбиркор ушбу жарроҳлик марказини бунёд этиш учун банкдан 500 минг АҚШ доллари кредит ҳамда ўз маблағлари ҳисобидан 1,5

миллион АҚШ доллари сарфлади. Натيجида замонавий, барча қулайликларга эга бўлган янги клиника қад ростлади. Шунингдек, жарроҳлик маркази ривожланган хорижий давлатлардан келтирилган замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланди.

— Клиникамизда етмишга яқин ишчи-ходим фаолият олиб борапти, — дейди “Doktor Boboyev health center” клиникаси бош шифокори Ҳаким Саидов. — 20 нафар малакали

шифокор ишлайдиган жарроҳлик марказимизда ҳозирга қадар эндоурологик, лапароскопик, проктологик, травматологик ва анъанавий жарроҳлик амалиётлари ўтказиб келинмоқда. Жумладан, бугунги кунгача саккиз мингга яқин фуқарога жарроҳлик амалиёти муваффақиятли ўтказилди. Шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга жами 781 миллион сўмлик бепул тиббий хизмат кўрсатилди.

Албатта, бош шифокор таъкидлаганидек, бугун бу ерда даво топаётган беморлар республикамизнинг турли вилоят ва шаҳарларидан келган. Яратилган шароитлар, юқори малакали шифокорлар амалиётларини амалга оширган кўпчилик хаста кишилар шу ерда даволаниш истагиди.

— Набирам беш ёшда, — дейди сурхондарёлик Хусан Ибодуллоев. — Анчадан бери буйрағимда тош безовта қиларди. Китоб туманидаги “Doktor Boboyev health center” жарроҳлик маркази ҳақида эшитиб қолдим. Келиб, набирамни текширувдан ўтказганим, жарроҳлик амалиёти ўтказиш лозимлигини айтишди. Барака топишсин, бир соатга ҳам қолмай, дарддан халос қилишди. Бугун уйга қайтдимиз. Ҳозир набирамнинг аҳоли яхши. Бир чекка туманда бундай ишларнинг олиб борилиши юртимиздаги бугунги ислохотлар самараси, деб биламан. Бунинг учун шифокорларга раҳмат.

ТИББИЙ СУҒУРТА АСОСИДА ТЕКИН ДАВОЛАНИШ МУМКИН

Жорий йил 18 март куни давлатимиз раҳбари тиббиёт ходимлари билан ўтказган очиқ мулоқотида ийрик ва нуфузли хусусий шифокорларга ҳам шифокор ва ҳамширалар малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлашга рухсат берилишини таъкидлаган эди.

Қувонарлики, “Doktor Boboyev health center” жарроҳлик маркази жамоаси бу ташаббус ижросига биринчилардан бўлиб киришди. Чунки бу ерда аллақачон мазкур юксак ишга асос яратилган эди.

Клиника жорий йилда Вазирлар Маҳкамасидан бунга тегишли рухсат олиб, ишга киришди. Эндиликда жамоа даволаш ишлари билан биргаликда малакали кадрлар тайёрлаш билан ҳам алоҳида шуғулланмоқда. Бунинг учун 1 нафар тиббиёт фанлари доктори ва 3 нафар тиббиёт фанлари номзоди жалб этилган.

— Ҳозирда клиникамиз қошидаги нодавлат марказда Қашқадарё вилояти билан бир қаторда мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидан ҳам шифокорлар малака ошириш истагини билдирмоқда, — дейди жарроҳлик маркази қошидаги нодавлат врачлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш маркази раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Абдумалик Абдуризаев. — Яқинда саккиз

нафар шифокор “илк қалдирғочлар” сифатида эндоурология бўйича уч ойлик курсларни якунлади. Марказимизнинг илк биттирувчиларига сертификатлар топширилиб, улар билан доимий равишда ҳамкорлик алоқаларини олий бориш учун келишиб олинди. Эндиликда лапароскопик йўналиш бўйича шифокорлар малакасини ошириш режалаштирилмоқда. Қисқа вақтда бу борада ҳам ўқув курсларимиз ташкил этилади.

Ушбу клиника мисолида юртимизда айнан давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тиббиёт соҳасига қаратилган эътиборнинг амалий ифодасини кўриш мумкин. Дарвоқе, жорий йилда Алишер Бобоев бошчилигидаги жамоа Республикадаги биринчилардан бўлиб, хусусий секторда тиббий суғурта жамғармаси орқали ордер тизими асосида хизмат кўрсатишни йўлга қўйди. Жорий йил апрель ойида давлат тиббий суғурта жамғармаси билан шартнома имзоланиб, имтиёзли йўлланма асосида жами 132 нафар беморда юқори жарроҳлик амалиётлари ўтказилди.

— Бугунги кунгача қилган ишларимиз билан тўхтаб қолмоқчи эмасмиз, — дейди “Doktor Boboyev health center” клиникаси раҳбари А.Бобоев. — Келгусида трансплантация соҳасини ривожлантиришни ҳам мақсад

қилганмиз. Яъни, энг биринчи навбатда, одамлар даволаниш учун хорижга бориб, овора бўлмайдди. Уларга шу ернинг ўзида имконият яратмоқчимиз. Бу борада изланишлар олиб борилапти. Яқинда шифокорларимиз Туркияда бўлиб, трансплантация соҳаси бўйича ўз малакасини ошириб қайтди. Келгусида хусусий секторларда буйрак трансплантациясига рухсат берилиши билан биз шу соҳани йўлга қўйиш учун иш олиб бораёмиз. Шунингдек, робот жарроҳлигини йўлга қўйиш ҳам режалаштирилган. Бу борада Туркия ва Жанубий Кореядаги клиникалар шифокорлари билан ҳамкорлик меморандумлари имзоладик. Бу эса мутахассисларимизнинг мунтазам тажриба алмашиб боришига хизмат қилмоқда.

Инсон кадр-қиммати улуғланган, манфаатлари устувор юрда юксалиш ва тараққиёт бардавом бўлади. Бугун ислохотлар жараёнида “Янги Ўзбекистон” ибораси тез-тез тилга олинмоқдаки, кейинги йилларда Президентимиз бошчилигида юртимиз тараққиётининг бутунлай янги босқичга қадам қўйгани, эришилаётган залворли ютуқлар эътирофидир. Юқорида биз ҳикоя қилган клиника ҳам Янги Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самарасидир. Зеро, бугун бундай юксак ўзгаришли одимлар ҳар бир соҳада бўй кўрсатмоқда.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



НУРЛИ МАНЗИЛЛАР

ҚЎШТЕПАДА ЮЛДУЗЛАР

ҚЎЛ УЗАТСАНГ ЕТГУДЕК...

ЁХУД ҚАДРНИНГ АСЛ ИЛДИЗЛАРИ

Муҳтарам УЛУҒОВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

Фаргона вилояти Қўштепа тумани қишлоқларининг икки томонида чамандек очилган гуллардан, узумлари тиллодек товланиб турган сўритоклардан, озодалигу саришталикдан файзиёб кўчалари бўйлаб борарканмиз, дилимдан "Биз, айрим шаҳарликлар, баъзида хонадон-ҳовлиларимиз ичини ҳам бу қадар меҳру ихлос билан ободонлаштиришга ҳафсала қилавермаймиз", деган фикр ўтди.

Кайфиятим ўта кўтаринчилигининг яна бир сабаби: менинг она авлодим асли мана шу жойлардан, қариндошларимиз кўп. Ақлимни танганимдан буён бу ердан ўтсам ҳам, кетсам ҳам бир йўқлаб чиқадиган жигарларим бор... Мустақиллигимиздан кейин хизмат тақозоси билан сафарларда юртимизнинг турли ҳудудларидаги янгилашчилар, ўзгартирилган кўрган сайин... яна шу қадрдон жойларга йўлим тушганда "Бу туманда қачон ўзгаришлар бўларкан?" деган савол тилимдан ҳам, дилимдан ҳам кўп ўтган.

Мана, Аглоҳга шукр, кейинги уч-тўрт йилда туманининг марказдан анча олдига бўлган қишлоқлари кўчалари ҳам чиройли, обод. Хотирамга муҳрлини қолган гуваля деворлар, пастак кўрим-сиз пойшувок уйлар ўрнида қатор гиштнинг куркам иморатлар, кенг тавақали дарвозаларининг ним очик жўраларидан ҳовли гулзорлари, ярақлаган деразалар кўринади.

Хамроҳим — "Рухшонабегим" хунармандлар кооперацияси раҳбари Отикахон Ҳақимова биз ўтиб бораётган кўчаларга ўз соҳасидан келиб чиқиб изоҳ беради:

— Бу маҳалладаги аёллар, асосан, "Оқлар" нусха дўппи тикади... Бир "Атиргун" нусха, бошқаси "Наврўз" нусха тикади. Ишимиз яхши, дўппининг харидори ҳар доим йўлда. Маҳаллаларда уйда ўтирадиган хотин-қизларнинг қарийб етмиш фоизи касаначилик билан шуғулланади...

Бейхитёр ўсимлик йилларим ёдга тушди: ушанда биз, она-сингиллар ҳам онамнинг ёнларига кириб дўппи тикардик. Дўппини тикиб тайёрлашдан ҳам уни сотиш қийин, азобу муаммо эди. Бозорга кетган онам гоҳида "Худога шукр, бугун бир чеккада харидор топиб ими-жимиди сотиб олдим", дердилар, лекин кўпинча "Бугун бозорни солиқчи босиб кетибди. Одамларни кувди-кувди қилди", деб дўппиларни қайтариб олиб келарди. Баъзан бозордан хомуш қайтар, "Кўлга тушиб қолдим", дерди. Яъни кимлардир дўппиларни тортиб олган бўларди... Марғилон хонадонларининг барчаси хунармандчилигининг бирон тури билан банд, мустақиллик даврига-ча юқоридаги савдо барча оилада бор эди...

Қўштепа тумани хунармандчилик марказини чин маънода аёллар сабр-қаноати, нафосати, ижодкорлиги, ҳаёт-севарлигининг кўзгуси, дейиш мумкин. Бу ердаги турли усулда тўқилган гиламлар, хилма-хил чокда тикилган кашталар, чаманининг бир парчаси каби дўппилар, маҳаллий матолардан тайёрланган либослар рангу гуллари, арқоғу илақлари билан қанчалар қадимий бўлса, табиийлиги, қулайлиги, чиройлилиги, экологик тозаллиги билан шунчалар замонавийдир. Бу ерда туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда мунтазам гуруҳлар йиғиб, уларга хунарлар ўргатилади.

Марказ раҳбари Нарғиза Шерхўжаевани суҳбатга тортиш ҳам нуқулай бўлди, чунки у халқро анжуманга кўргазма тайёрлаётган экан. Аслида, бу марказ ва унинг раҳбари фаолияти,

ютуқлари ҳақида қатор дипломлар, сертификатлар "сўзлайди". Масалан, бир сертификат 2015 йилда Эронда бўлиб ўтган Бутунжаҳон хунармандлари фестивали голибига берилган. Фестивалга 70 та давлатдан келган иштирокчилардан бири бўлган Нарғиза Шерхўжаева ўзи тўқиб, тикиб тайёрлаган гилам, кашта, миллий либосларни 7 та халқро экспертнинг ҳаммаси 1-ўринга муносиб кўрди. Шундан кейин дунё мамлакатлари билан шартномалар тузиш бошланди.

— Авваллари турмуш ўртоғим билан ўзимиз жой топиб, ижарада ишлаб юрардик, — бир муддат бизга юзланди Нарғиза. — Президентимизнинг хунармандларни қўллаб-қувватлаш ҳақидаги қарорларидан кейин вилоятимизнинг барча туманларида янгидан қурилган ёки қайта таъмирланган биналарда хунармандлар марказлари очилди. Илгари маъмурий бино бўлган мана шу жой яхшилаб таъмирланган, 2021 йилнинг декабридан марказимизга берилди.



Қишлоқ қизлари, аёлларининг ҳар доим ҳам бирон жойга бориб ишлаб келишга шарт, имкониятлари бўлавермайди. Оила, бола-чақа, кекса қайнона-қайнота, мол-ҳол, томорқа дегандек... Ҳозир бу марказда хунар ўрганган 100 нафардан ортиқ қишлоқ аёллари шу ернинг ўзидан кашта, гилам, дўппининг хомашесини олиб, уйда ўтириб маҳсулот тайёрлайди ва яна марказнинг ўзига топшириб маош олади.

Даврага Нарғизанинг турмуш ўртоғи — хунарманд, марказ дизайнери, ташкилотчиларидан бўлган Илҳом Давлетов қўшилди. Дарвоқе, бу тиниб-тинчимас инсон доим айрили ташвишларга бош бўлиб юради. Унинг асли мутахассислиги — шифокорлик. Лекин синчковлиги, халқ хунармандчилигига бўлган ҳурмат муҳаббати бу соҳада ҳам анча-мунча ишларни амалга оширишига сабаб бўлди: ўтган асрнинг



иккинчи ярмида собиқ тузумнинг хунармандлар, хунармандчиликка душманларча муносабати туфайли минг йиллик илдиғига эга бўлган палак, сўзана каштачилиги ҳам йўқолиб кетиш арафасига келиб қолди. Илҳом Давлетов Нурота, Шаҳрисабз, Тошкент палак ва сўзаналарининг ноёб дурдоналари чокларини ўрганди, бу ишга қизиқувчиларга ўргатди. Ҳозир айна марказда ёшларга каштанинг бу турлари ҳам ўргатилади.

— Бизни ҳозир иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлган бир масала ўлантирди, — дейди Илҳом Давлетов. — Пилла — жуда қимматбаҳо хомашё. Оппоқ пиллалар ичида халқ орасида "қорапачок" деб аталадиган сифатсизлари ҳам бўлади. Уни кўпинча чиқитга

ишчи ўринлари яратилишига, ҳам соҳа ривожланишига, ҳам иқтисодий-ижтимоий фойда келтиради. Ҳозир бизнинг имкониятларимиз анча чекланган, лекин шунга қарамадан, бу ишни ривожлантиряймиз, чунки айна маҳсулотга талаб жуда катта.

Илҳом Давлетов — асли Хоразмдан, Нарғиза эса Тошкентнинг Эски шаҳарида туғилиб ўсган. Уларни бир-бири билан таништирган, кўнглини, ҳаёт йўлини боғлашга сабабчям хунармандчилик бўлган.

— Кашта тикишни буюмдан ўрганганман. Дадам маҳсидўз эди, — дейди Нарғиза. — Умуман олганда, оилавий хунармандлар сулоласининг тўртинчи авлодиман...

— Мен бешинчи авлодиман, — ҳалидан бери онасига дастёрлик қилаётган Ясмينا гапни илеб кетади. — Тикиш-ниям, тўқиниш, бичишниям биламан. Шоғирдларим ҳам бор...

— Йўғ-э, ўзи неча ёшдасан? Қачон ўргана қолдинг бу хунарларни?

— 3-синфда ўқийман. Олти ёшимдан ойим, дадамдан ўргана бошлаганман... Маҳалламиздаги тендошларим ҳам қизиқса, бу ерга олиб келаман, тикишни ўргатаман. Кўчада бекор ўйнаб юргандан кўра, тўқини ўрганасан, дейман.

— Шу Ясмينا мениям устозим, — деб қулди гилам тўқитган катта ёшли аёллардан бири.

— Уқишлар-чи, ўқишларинг қолиб кетмайми? Китоблар ҳам ўқиб турасанми? — сўрадим кўзлари қақнаб турган бу қорамгақиз қизди.

— Уқишларим "беш". Ҳозир эртақ китоб ўқияман, балиқчи ҳақида.

— Эртақдаги ким, нималар ёқди ёки ёқмади?

— Чумолининг меҳнаткашлиги жуда ёқди, биттаси бор экан... кўполлиги ёқмади...

Кузатиб турибман, кўзлари тийрак, нутқи равон, фикри тиниқ ўн бир ёшли бу қизнинг кўзлари суҳбат асосида ҳам тинмайди — ўз-ўзидан тортилган мато узра чок йўрмалайди. Узимга қадрдон ҳолатлар дилдан ўтди — хонадонда катталар бирон-бир машғулот билан шуғулланса, болалар ҳам уларнинг изидан ўрганади. Хамроҳимнинг "Туманимиз хонадонларининг қарийб 70 фоиз аёллари касаначилик билан шуғулланади", дегани ёдига тушди.

Демак, шу хонадонларда улғайган фарзандларнинг ёшлигидан сабр ва ижодкорлик билан ишлашга, фурсатни қадрлашга қўнимаю малакаси ортади. Қадр, эътибор... Инсон умри, интилишлари, орзу-истакларига қанот бағишловчи, бағрини бутун этиб, қаддини тик кўтариб яшашга васила бўладиган бу ижтимоий ҳодисанинг илдизлари қаердан бошланади. Мақтовлар, муқофотлар, обрў, шон-шаъра, олқишларданми?.. Бизнингча, булар — оқибат. Ҳар кимнинг қадру эътибор топиши Аллоҳ унинг жисмию ақл-фаросати, заковатига берган имкониятларни рўёбга чиқариб, оила-си, энг юрт манфаатига ҳисса бўлиб қўшилган ишларидан кўнгли тўлиб, ҳаётда ўз ўрнини топишидан бошланади. Бошқача йўллар билан келгучи қадр — ўткинчи.

"Қатрада куёш акси", деганларидек, Қўштепа туманида Янги Ўзбекистонимизда ҳар бир инсон ўз мақомига муносиб қадр топиб, ҳаётдан рози бўлиб яшаш ун амалга оширилаётган кенг қамровли ишларнинг чиройли бир тил-солини кўрдим. Қаҳрамонларим билан хайрлашар эканман, мана бу мисралар кўнглимни равшан қилди:

*Қўштепада юлдузлар
Қўл узатсанг, етгудек.
Астойдил буй бўйласанг,
Юрагингга текгудек...*

ШУКРОНА

ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ЮРТДА ЯШАШ — БЕБАҲО НЕЪМАТ

Абдулҳай ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон муслмонлари идорасининг Наманган вилояти вакили,
Наманган вилояти бош имом-хатиби

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолиси халқчил ислохотларга хайрихоҳлик ва қатъий ишонч билан қараб, бу ўзгаришларнинг самарасидан хурсанд бўляпти. Аҳоли фаровонлиги, халқ розилиги ҳар қачонгидан ҳам долзарб масалага айланди.

Давлатимиз томонидан 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилди. Шу асосда "Инсон қадри учун" деган улугвор гоани амалга ошириш вазифа қилиб белгиланди.

қилувчи илмий-маърифий билим маскандир.

Юртимизда биринчи ва иккинчи Ренессансларга сабабчи бўлган буюк алломаларимизнинг муборак номлари абадийлаштирилди. Шунингдек, илк бор Президентимиз



"Инсонларнинг дарду ташвишларини уйлаб яшаш — одамийликнинг энг олий мезонидир" шiori остида кечаётган хайрли ислохотлар ижобий натижаларини бераётганини ҳар қадамда кўряпмиз. Аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, илм-фан, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, кексаларни ёзозлаш, ёшларга оид давлат сиёсати, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағриликнинг таъминлаш каби қатор масалаларда юксак ютуқлар кўлга киритилди. Иқтисод ҳам, маънавият ҳам, юртимиз раванки ҳам кенг кўламда ривож топди. Тараққиётимизнинг янги даврида инсонларнинг виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқини таъминлашга эътибор қўюлди.

Соҳада мутахассис кадрлар захирасини яратиш мақсадида Ўзбекистон халқро ислом академияси, Тошкент ислом институти, Мир Араб олий мадрасаси, Ҳадис илми олий мактаби, 10 та ўрта махсус ислом билим юрти, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқро исломий-тадқиқот марказлари фаолият кўрсатяпти. Уларда ҳадис, калом, фикҳ ва тасаввуф сирлари ўргатилаётгани бу борадаги ишлар кўлами нечоғли кенг эканидан далолат бериб турибди.

Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказига тамал тоши қўйилди. Марказ ўз гоёси ва аҳамиятига кўра бетакрор лойиҳа бўлиб, ислом динининг илмий-маънавий бойлиги, бунёдкорлик салоҳиятини намойиш этишга қаратилган. Муҳим жиҳати, у халқнинг бунёдкорлик қудрати жўш урган ҳозирги замонда Учинчи Ренессансининг илмий-маънавий пой-деворини мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий-диний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, мамлакатнинг ислом цивилизациясини ривожлантириш борасидаги ролини янада оширади ҳамда буюк алломаларнинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини миллий ва халқро микёсда оммалаштирилади.

Марказ "Учинчи Ренессанс — Янги Ўзбекистон" гоёсини кенг тарғиб қилувчи, мамлакат тарихининг янги юксалиш давридаги ютуқларини илмий асосда ўрганувчи, уни кенг жамоатчиликка етказиб бевурич, моддий-маданий мерос намуналарини, ислом дини билан боғлиқ қадимий ва бой аъноаларини тарғиб

ташаббуси билан "Имом Бухорий" ордени таъсис этилди.

Алломаларнинг илмий меросларини тадқиқ қилишга кенг эътибор қаратилмоқда. Сўзимизнинг далили сифатида сўнги йилларда Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абу Муин Насафий, Ҳаким Термизий, Абдуҳолик Ғиждувоний, Бурхониддин Марғинович, Баҳоуддин Нақшбанд, Сузук ота каби алломаларимиз номлари билан боғлиқ қадимколлар, зиёратгоҳлар тарихда кузатилмаган даражада гузал лойиҳалар билан ободонлаштирилганини келтириш мумкин.

Биргина Наманган вилоятидаги Султон Увайс Қараний масжид-мажмуасининг янги биноси очилиши, Исҳоқхон Ибрат номидаги музей, илмий мактаб ва боғ барпо қилиниши ҳамда Ун бир Ҳамад зиёратгоҳи қайтадан бунёд этилиши юртдошларимизнинг қувончига янада қувонч қўшди.

Мўмин-муслмонларнинг умра ва ҳаж зиёратларини адо этиши учун қулай шарт-шароитлар яратилди. 2017 йилда зиёратчилар курсаткичи 7200 нафарни ташкил этган бўлса, бу йил рақамлар салмоғи анча ортган. Қарийб 12 минг юртдошимиз ҳаж қилишга мушарраф бўлди.

“Бугун тинч ва осойишта ҳаёт кечиряпмиз. Бу аслида бебаҳо неъмат. Ҳар бир гўшада “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” деган эзгу шиор, эзгу гоё тантана қилаётир. Жойлардаги сайилларда, тадбирларда, давра суҳбатларида бу гоё фахр билан баралла овозда янграмоқда, қалбларга руҳ бахш этмоқда. Чунки бу дунёда Ватандан азизроқ макон йўқ. Ер юзида Ўзбекистонимиз — яққаю ягона. Унинг бой ўтмиши, раванқ топаётган бугуни, порлоқ келажаги унинг қиймати янада оширади.

Шу ўринда ҳар бир юртдошимизни Ватанимиз тинчлигини, хотир-жамлигини асрашга, мустақиллигини қадрлашга чорлаймиз.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўғазмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-864.
81651 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Феруза Жўраева
Мусаҳҳих: Умаржон Қодиров
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй